

ЖАМИЯТГА КИРИШ

**Ҳизб ут-Таҳрир нашрларидан
ҚУДДУС-1958**

بسم الله الرحمن الرحيم

Ҳизб ут-Таҳрир умматга хитоб қилишга уриниш даврини катта муваффақият билан босиб ўтди. У бутун умматга, шу жумладан сиёсий доираларга ўзини Ислом ақидасига асосланган сиёсий ҳизб сифатида кўрсата олди. Фикрларини жамият тақдирлайдиган ва ҳисоблашишга мажбур бўлган куч қила олди. Ҳизб бугунги кунда ҳаракатни бошлаш йўлида жамият эшиги олдига етиб келди ва бу эшик унга очилиши ёки ҳизбнинг ўзи уни очиб ичкарига киришга имкон топиш учун эшикни қоқишга ҳаракат қила бошлади.

Ҳозир ҳизб эшикнинг зулфин ва кулфларини, дарвозабон ва кўрикчилари ким эканини яхши ўрганмоқда. Буларни билиш эшикни очиш ва унинг ичига сабот билан мустаҳкам қадам ташлашга имкон беради.

Лекин жамиятга ҳужум қилиш ва кириш учун ўз кучларини сафарбар қилаётган ҳизб ўзининг ақидавий ҳақиқати ва мабдаъий хусусиятига қаттиқ аҳамият бериши вожиб. Шундагина у ўзининг ғайри исломий жамиятга кириб, Ислом рисолатини бутун оламга олиб чиқадиган Ислом Давлатини барпо қилиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга ҳаракат қилаётган исломий ҳизб эканини идрок қилади. У тариқатга ҳам, табанний қилинган услубларга ҳам фикратга бергандай жиддий эътибор беради. Бироқ ўша услубларнинг хатоси зоҳир бўлиб қолса, улардан воз кечиб, бошқасини табанний қилади. Шунингдек, фикрат ва тариқатга алоқали бирор фикрни тушунишда хато қилгани маълум бўлиб қолса, бу

тушунчани ҳам тарк қилади. Табанний қилинган бирор фикрни ижро қилишдаги хато ҳаракат, у фикр хоҳ фикратга, хоҳ тариқатга ва хоҳ табанний қилинган бирор услубга алоқадор бўлсин, агар қасддан қилинмаган бўлса оғир хато деб эътиборга олинади. Агар қасддан содир этилган бўлса, бу ҳолатда қасддан йўлдан оздиришга ҳаракат сифатида қаралади. Демак, ҳар қандай ҳизбий йигитнинг раъйларида - бу раъйлар хоҳ фикрий, хоҳ сиёсий, хоҳ идорий бўлсин - бирорта иккиланиш қолиши мумкин эмас, балки уларнинг раъйлари қаноат орқали ёки розилик ва хотиржамлик билан таслим бўлиш орқали мустаҳкам ўрнатилган бўлиши лозим.

Ҳизб бу даврда ўз раъйларидан қайтаришларга йўлиқади, ҳизб йигитлари ва атрофдагилар томонидан таклифлар, насихатлар кўпаяди. Бундай ҳол, хусусан, ҳизбнинг жамият эшиги олдида туриш муддати чўзилиб, ичкарига осонлик билан тезроқ киришга имкон топа олмай қолганда кузатилади. Гоҳида жамият билан ҳамжинс бўлган ҳизбларнинг воқелиги, уларнинг жамият ичига киришга қодир бўлганликлари ва ҳизбдан ташаббус тизгинини олиб қўйганликлари далил қилиб келтирилади. Баъзида пайғамбаримиз ﷺ сийратлари таъвил қилинади ва ҳизбнинг фикрлари ва нашраларини шарҳлашга ўтилади. Бу ишларга айрим пайтда ҳизб аъзоларининг ҳизбга бўлган ихлослари сабаб бўлса, гоҳида буларга кўпчиликка таъсир ўтказаётган бошқа кучли оқимлар сабабчи бўлади. Бундай таклиф ва насихатлар ҳизб жамиятга киргандан кейин ҳам кўпаяверади. Чунки қарши оқимлар яна ҳам кучлироқ зарба беришга шошиладилар. Ҳар қандай аралашмалардан холи бўлган Ислом ўз воситаларининг заиф, куфр воситаларининг эса кучли бўлишига

қарамасдан жасорат ва матонат билан куфрга қарши курашиш учун унинг олдида юзма-юз туради. Шунинг учун воситаларни қувватли қилиш мақсадида ҳизб табанний қилган фикрларга зид келиш келмаслигига эътибор берилмаган ҳолда янги услубларни таклиф қилиш кўпаяверади. Ҳизб бундай вақтда услуб ва воситаларни онгли равишда тушуниши ва жамият эшиги олдида туриши қанчалик чўзилиб кетса ҳам, жамиятга киришда ўз фикрати, тариқати ва услублари асосида ҳаракат қилиши зарурлигини идрок этиши керак. Ҳизб жамиятда таъсирланувчи эмас, балки таъсир ўтказувчи шаклда, жамиятни ўзгартирадиган, ўзи эса ўзгармайдиган вазиятда ҳамда бошқаларга бўлган ишончни сусайтирадиган ва ўзининг зотий қийматларини тўла сақлаб қоладиган қатъийликда ҳаракат қилиши лозим.

Жамият эшигини очиш ёки унинг ўзи очилиши учун ҳизбнинг жамият эшигини қоқиш йўлидаги ҳаракатини тасаввур қилиш учун ва жамиятда ҳукмрон асосий ва иккиламчи фикрларни ҳамда жамиятда ҳукмрон туйғуларни ўзгартириш мақсадида жамият сари қилинаётган ҳаракатнинг моҳиятини идрок қилиш учун жамиятнинг маъносини ҳизб таъриф берганидек идрок қилиш ва ҳизб ўзига мажол қилиб белгилаган минтақадаги жамиятнинг воқелигини, унинг умумий ва жузъий нарсаларини онгли равишда батафсил тушуниш зарур.

Ҳизб жамиятга одамлар, фикрлар, туйғулар ва қонунлар мажмуаси деб таъриф берди. Бу таъриф умумий бўлиб, жамият воқелигини - жамият бўлгани жиҳатидан - ўрганиб чиқишнинг натижасидир. Лекин шу эътибордаки, биз хоҳлаётган жамият бошқа жамиятларга ўхшамаган,

алоҳида ва ўзига хос жамиятдир. Ушбу ўрганиб чиқишнинг тафсилий баёни эса қуйидагича:

Бир шахс иккинчи ва учинчи шахс билан бирга жамоатни ташкил қилади. Агар улар ўртасида доимий алоқа пайдо бўлса, шахсларнинг оз-кўплигидан қатъи назар, улар жамиятга айланадилар. Одамлар ўртасидаги бундай алоқани вужудга келтирган нарса улардан ҳар бирининг қўлга киритишга интилаётган манфаатидир. Бу манфаат фойда топиш ёки зарарни даф қилиш бўладими, фарқи йўқ. Манфаатга интилтираётган куч инсонда мавжуд бўлган ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондиришга ундовчи ҳаётий кучдир. Ушбу ҳаётий кучдан эҳтиёжларни қондиришга бевосита ундовчи туйғулар келиб чиқади. Бироқ бу ундовчи омил ҳайвонда ўзининг бошидан ўтган ёки бошқа ўтказган тажрибалар ва ҳаётий куч асосида ҳаракатга келса, инсон ҳайвондан фарқли ўлароқ, эҳтиёж ва ғаризаларини қондириш вақтида тушунчалари белгилаб берган кайфият асосида ҳаракат қилади. Демак, эҳтиёж ва ғаризаларни қондиришга ундовчи туйғулар турини ва ҳаракат қилиш кайфиятини тушунчалар белгилаб беради. Ушбу тушунча ва туйғуларга қараб инсон ўз манфаатларини тартибга солади. Натижада одамлар ўртасида фикрлар, туйғулар ва татбиқ қилинаётган қонунлар асосида алоқа вужудга келади. Кўриниб турибдики, одамлардан ташкил топган жамоатни жамиятга айлантирувчи омил улар ўртасидаги алоқалардир. Шунга кўра жамиятга кириш одамлар ўртасидаги мавжуд алоқаларга қарши чиқиш демакдир.

Бироқ бу алоқалар уларни бошқариб турган салтанат воситасида юргизилади. Худди шу салтанат билан одамлар ўртасида ҳам алоқалар мавжуддир. Шунинг учун

жамиятга таъсир қилишда шахслар ўртасидаги алоқаларга қарши чиқишнинг ўзи етарли эмас. Балки салтанат ва халқ ўртасидаги алоқаларни куч ва журъат билан қарши чиқиш орқали ларзага келтириш зарур. Шунда одамлар ўртасидага мавжуд алоқалар таъсирланиши мумкин бўлади. Шунга кўра жамиятга ҳужум қилиш ва унинг ичига кириш одамлар ўртасидаги алоқаларга қарши чиқишни эмас, балки салтанат ва уммат ўртасидаги инсон манфаатлари хусусидаги алоқаларга қарши чиқишни англатади. Чунки одамларнинг ишларини, ўзаро алоқаларини бошқариш салоҳияти салтанат қўлидадир. Модомики унга кучли ва доимий зарба берилмас экан одамлар ўз жамиятларининг ёмонлигини ва бу жамиятни ўзгартириш зарурлигини ҳис қила олмайдилар, кўтариб юрган фикрларининг ва манфаатлари томон ундовчи туйғуларининг хато эканини англай олмайдилар. Шунинг учун ҳизбнинг энг кўзга кўринган иши салтанат ва уммат ўртасидаги барча соҳалардаги алоқаларга қарши чиқишдир. Бу нарса кўприклар, шифохоналар барпо этиш каби одамлар манфаатини бевосита бошқариш бўладими ёки вазирлар тайинлаш, парламент сайлаш каби амалларни бошқаришга алоқали бўладими, фарқи йўқ. Салтанат деганда биз ҳукм юритишни, яъни бошқарувни назарда тутмоқдамиз.

Ислом оламидаги ҳозирги бошқарув, исломий бошқарувда бўлганидек, ёлғиз битта ҳокимнинг ўзида гавдаланмай, балки демократик тузум суратида барпо бўлган бошқарув бўлиб, у битта ҳокимнинг ўзида эмас, балки шу билан бирга ҳокимиятни бошқарувчи ҳукмрон гуруҳда ҳам намоён бўлади. Сиёсатчилар ва сиёсий таъсирга эга бўлган партиялар ҳам ҳукмрон гуруҳга

киради. Шунинг учун ҳукмрон гуруҳнинг тасарруфларига, сиёсий фикрларига ҳужум қилиш, ҳокимнинг уммат ва бошқа давлатлар билан бўладиган алоқаларига ҳам ҳужум қилиш зарурдир. Уммат ва халқ ўртасида алоқаларни шу уммат ва халқларнинг ҳокимлари юргизаётгани, бошқараётгани ҳар лаҳзада аниқ ва равшан бўлиши лозим, яъни бу алоқаларни юргизаётган, бошқарётган ва тасарруф қилаётганлар ҳокимлардир. Халқнинг бугуни ва эртасига таъсир кўрсатиш, бу уммат ва халқлар ичига кириш фақат шу ҳокимларга, уларнинг фикрлари ва ишларига зарба берилгандагина мумкин бўлади. Шунингдек битта халқ ва битта умматнинг шахслари ўртасидаги алоқаларни бошқараётган ва тасарруф қилаётганлар ҳам шу халқнинг ҳокимларидир. Демак, ҳар қандай фикр ва туйғуларга таъсир кўрсатиб одамлар орасига кириш фақат одамлар билан ҳокимлар ўртасидаги ва ҳокимлар билан одамлар ўртасидаги алоқалар орқали, яъни ҳокимларга уларнинг фикрлари, ишлари ва тасарруфларига ҳужум қилиб зарба бериш орқали мумкин бўлади. Буларнинг барчаси сиёсий ҳизбнинг ишидир. Бу ишлар, яъни ҳокимларнинг уммат ва ўзлари ҳукм юритаётган халқлар ўртасидаги алоқаларни бошқаришга ҳамда бошқа давлатлар билан алоқаларини бошқаришга тааллуқли фикрлари, ишлари ва тасарруфларига зарба бериш сиёсий ҳизбнинг ишидир. Сиёсий ҳизбнинг бундан бошқа иши бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳизб ўзини сиёсий ҳизб сифатида сақлаб қолиши ва ўз раъйларини сиёсий фикрларга айлантира олиши, яъни одамларнинг манфаатларини бошқаришга таъсир кўрсата оладиган, ҳизбнинг ва шахсларнинг зехнида ҳислари билан сеза оладиган ва ақллари билан идрок этадиган фикрларга айлантира олиши осон бўлиши

учун ҳамда бу сиёсий раъйлар жамиятда ҳукмрон бўлиб қолиши учун, жамиятни ўзгартириш максадида ҳаракат қилаётган ҳизб унда осон айланиб, кезиб юра олиши учун юқоридаги вазифалар аниқ ва равшан бўлиши зарурдир. Шунга кўра «Сиёсий тушунчалар» китобида айтиб ўтилган: «Ҳизбдаги тартибли сақофат ва жамойи сақофат, гарчи у сақофий иш бўлса ҳам, сиёсатдан деб қаралади» - фикри доимо идрок қилиниши лозимдир. Зеро, сиёсий фикрлар «ҳоким сиёсий фикрлар асосида муҳосаба қилинади ҳамда одамларни шу фикрлар билан бошқариши учун ҳаракат қилинади», деган асосда берилади. Ҳокимларнинг режаларини очиб ташлаш ва манфаатларни табанний қилиш сиёсатдан бўлиб, у сиёсий ишдир, чунки булар орқали ҳизб ҳокимларнинг иш ва тасарруфларига зарба беради.

Шунга кўра сақофий вазифани адо этаётган сиёсий ҳизб жамиятда фаолият олиб борапти деб ҳисобланмайди. Балки у жамият сари юришни бошлаш учун фикрат ва тариқатни чуқур тушуниб оляпти деб ҳисобланади. Одамларга хитоб қилишга ҳаракат қилаётган сиёсий ҳизб жамиятда фаолият олиб борапти деб ҳисобланмайди. Балки у бу ҳолда жамият сари амалий юраётган бўлади. Одамлар ўртасидаги алоқаларга тинимсиз қарши чиқиш билан ҳам жамиятга киришга ҳаракат қилаётган сиёсий ҳизб жамиятда фаолият олиб борапти деб ҳисобланмайди. Балки бу ҳолда сиёсий ҳизб фақат жамият эшигини очаётган бўлади. Сиёсий ҳизб то жамият ичига кириб, ҳокимларнинг уммат билан ва умматнинг ҳокимлар билан бўладиган алоқаларини ўзи табанний қилган фикрлар асосида бошқармагунча, таъсир қилишда, умматнинг унга қарашида ҳамда уммат ҳокимларни ўша сиёсий ҳизбдан

бўлиши керак деб ҳисоблашида худди сиёсатчилар ва ҳукмрон гуруҳлар бошқаргани каби иш юритмагунча жамият ичига кирган деб ҳисобланмайди.

Биз очик, айта оламизки, Ҳизб ут-Таҳрир жамият сари йўлни сустлик ҳам, шошқалоқлик ҳам қилмай, балки табиий юрган ҳолда босиб ўтди. Бу ишда муваффақият қозонишига 1956-57 йилларда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар ёрдам берди. Ҳизб ҳозирда жамият эшигини очиш ёки бу эшикнинг ўзи унинг олдида очилиши учун жамиятдаги алоқаларга тинимсиз қаршилиқ қилмоқда ва бу қаршилиқ кўрсатиш билан ҳокимлару сиёсатчиларнинг ҳукм юритиш ва сиёсатда тутган ўрнига ҳамда умматнинг ҳизбга, ҳоким ва сиёсатчиларга қудрат, ишонч ва холислик жиҳатларидан қарашига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Шу ҳаракатлари билан у жамиятда мустаҳкам қадам ташлашга қодир бўлишга интилмоқда. Шунинг учун ҳизб сиёсий ҳаракатининг иккала қисми, яъни фикрий ва сиёсий кураш сезиларли шаклда ички ва ташқи алоқаларга қаратилган бўлиши зарурдир. Шу билан бир пайтда тартибли сақофат ҳам, жамоий сақофат ҳам ўзининг белгиланган йўлида юришда давом этиши ҳамда услубларни мукамал адо этишга ва ҳар хил воситаларни кўпайтиришга катта эътибор бериш зарур. Лекин буларнинг ҳаммаси қачонки ҳизб қарши чиқаётган алоқаларнинг воқелиги ҳис қилиниб, идрок қилинадиган бўлгандагина ва ҳизб тарқатаётган фикрларнинг воқелиги тасаввур қилингандагина натижа беради. Агар умматга хитоб қилишга уриниш даврида бўлганидек айтилаётган жумлаларни тушуниш ва шарҳлашдан ҳамда тушунчаларни ҳис қилмай тасаввур қилиш ва тасдиқлашдан нарига ўтилмаса, ҳизб жамият билан ишлаш

имкониятига эга бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳизб ўзи фаолият олиб бораётган мажолнинг ва иш олиб бораётган ҳар бир вилоятнинг воқелигини, шунингдек қайси шаҳарда салтанат ва халқ ўртасидаги алоқаларга қарши чиқаётган бўлса ўша шаҳарнинг воқелигини тушуниши керак. Шунда у ўзи ҳаракат қилаётган макондаги жамиятнинг воқелигини тушуниб олади. Лекин бу нарса мажолнинг воқелигини шарҳлаш зарурлигини билдирмайди, балки умумий нарсалар ва улардан келиб чиккан иккинчи даражали нарсаларни идрок қилиш зарурлигини англатади. Қарши чиқиш зарур бўлган алоқаларнинг воқелигини белгилаш ишнинг юришига қолдирилади. Муҳими жамиятга ҳужум қилиш ва киришдаги ҳаракат режаси теран ва ҳис қилинадиган даражада ёрқин бўлишидир.

Режанинг нақадар теран ва ёрқин бўлиши «Ҳаракатнинг ёйилиш нуқтаси» ва «Сиёсий ҳаракат» номли китобчаларда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳизбнинг ҳар бир аъзоси, хусусан маҳаллий лажна (жихоз)лари ва вилоят лажнаси бу икки китобчани қайта ўрганиб чиқишлари лозимдир. Дарҳол ишни бошлаб юбориш мумкин бўладиган даражада режанинг ҳис қилинадиган шаклда равшан бўлишига келсак, уни қуйида қисқача баён қилиш мумкин:

а) Фикрий кураш

Ҳизб ҳозирда олиб бораётган фикрий курашини - қиёдат томонидан тартибга солиб беришга муҳтож бўлмасдан - давом эттириши ва яна ҳам кучайтириши лозим. Вилоят лажналари мумкин бўлган барча воситалар билан фикрий курашни пайдо қилиш ва тинимсиз давом эттириш учун кучларини тайёрлашлари ҳамда бор

имкониятларини сарфлашлари лозим. Фақат фикрий курашни олиб боришда ҳизб томонидан табанний қилинган асослардан четга чиқилмаслиги шарт. Ҳозирда мулоҳаза қилиниши вожиб бўлган нарсa шуки, ҳизб йигитлари қайси фикрларда фикрий курашни пайдо қилишаётган бўлишса, ўша фикрларнинг воқелигини очик-равшaн тасаввур қилиб олишлари ва мунозара қилишаётган ёки шарҳлаб беришаётган пайтларида бу фикрларнинг воқелигини очик ва ҳис қилинадиган шаклда тасвирлаб беришга ҳаракат қилишлари керак. Бу эса тарихий ва воқеий ҳодисаларни, хусусан Исломнинг жамиятга кириб, унда мустаҳкам ўрнашиб қолишининг олдини олиш учун кофирлар кўядиган тўсиқлар деб ҳисобланадиган умумий фикрларни мисол қилиб келтириш билан амалга ошади. Масалан араб миллатчилиги салбий ва ижобий шаклда мисол қилиниши мумкин. Араб миллатчилигидаги ноаниқ истак ва мавҳум орзулар, унинг бу ҳаётда ҳеч бир фойдаси йўқ фикр экани ва бу фикрларнинг на бир муайян тузум ва на бир муайян дунёқараш бўла олмаслигини баён қилиб, унга салбий шаклда ҳужум қилинади. Араб миллатчилиги ирқчилик ва қабилачилиқни англатишини баён қилиниб, унинг хатарли нарсa эканига тарихий мисол сифатида Бану Мусталақ ғазоти воқеасини ва миллатчилик ҳозирги Европа халқларини бирлаштириш йўлида кўприк қуриб бўлмас хандақлар қазиб қўйганини мисол қилиб келтириш билан миллатчиликка ижобий шаклда ҳужум қилинади. Бу битта фикр жиҳатидан олиб қаралганда шундай. Хилма-хил фикрлар жиҳатидан олиб қаралганда эса, мисол тариқасида Байрутдаги «Ваъй» кутубхонаси ва «Америка» университетини солиштириб кўрса бўлади. «Ваъй»

кутубхонасига кириб қолган одам бирор сиёсий хабар ёки бирор муомала ҳақидаги воқелиги бор, жонли фикрлар устидаги мунозараларнинг гувоҳи бўлади. «Америка» университетига кириб қолган одам эса мадрасий нарсалар устидаги фикрий мунозараларнинг гувоҳи бўлади, бироқ мунозара қилувчиларнинг бирортасидан у фикрларнинг воқелиги мунозара қилинаётганини эшитмайди ҳам. Бундан «Ваъй» кутубхонаси жамият орасида, «Америка» университети эса жамиятдан ташқарида, деган хулосага келамиз. Демак маҳаллий лажналар ва вилоят лажналари жонли мунозаралар пайдо қилиш учун бир нечта тарихий мисоллар келтиришлари ва бунга диққат эътиборни қаратишлари вожибдир. Шунда улар фикрий курашни ҳис қилиш мумкин бўлган воқелик устига курган бўладилар.

б) Сиёсий кураш босқичи

Ҳозирда ҳизб йигитларининг фаолияти оқсаётган сиёсий кураш бугундан бошлаб қуйидаги тартибда боради:

1. Одамларнинг манфаатлари борасидаги салтанат ва уммат ўртасидаги алоқаларга дарҳол қарши чиқишни бошлаб юбориш лозим. Шу нарса равшан бўлсинки, ҳизб жамиятга киришга ҳаракат босқичида ҳар бир ишни ўзининг уддалай олиш имкониятига қараб белгилайди. Аммо ҳозир ҳизб гарчи жамият эшигини қоқаётган бўлса ҳам, ҳали унинг ичига кирмаган бир пайтда фақат қаттиқ озор етказувчи зарбалардан ўзини узоқ тутди. Бундай даражага етмаган зарбаларга эса эътибор бермайди. Ҳизб умматга таъсир қилиш даврида ишларни лозимлигига кўра адо этади, жамият кирдикорларини очиб ташлайди, ҳар қачон бирор ҳодиса содир бўлса, унга нисбатан ўз муносабатини билдиради. Фақат ҳалокатли зарбадан ўзини эҳтиёт қилади. Ҳизб унга етиб бормаган бўлса ҳам шундай

килади. Зеро, умматга таъсир ўтказиш фақат куфрнинг бўйни синиб, ҳизб жамиятга собит қадамлар билан кириб келгандагина бўлади. Буни шу кундан бошлаб доимо ёдда тутиш зарур. Чунки ҳизб жамият эшигини очиш ёки бу эшикнинг ўзи унга очилиши учун бу эшикка қарши кучайтириб юборган ҳамласида муваффақият қозонгандан кейингина жамиятга бевосита киришни кўзлайди.

2. Алоқаларга қарши чиқиш - манфаатларга қарши чиқиш демакдир. Ишларни хужумкор шаклда танқид қилиш манфаатларга қарши чиқишни англатади. Демак масала манфаатларга қарши чиқиш ва уларни қаттиқ силкитиб юборишга чеклангандир. Бу манфаатлар икки қисмга бўлинади: шу кундаги фойда асосидаги манфаатлар ва шу куннинг сиёсий манфаатлари. Бу манфаатларнинг шу кундаги бўлмаганларига қарши эса сиёсий курашни эмас, балки фикрий курашни ишга солади. Шунингдек тартибли сақофат ва айрим ҳолларда жамоий сақофатни ҳам ишга солади. Сиёсий кураш усули билан эса шу куннинг манфаатлари - ҳоҳ фойда асосидаги манфаатлар, ҳоҳ сиёсий манфаатлар бўлсин - ҳал этилади.

Шу кундаги фойда асосидаги манфаатларга қарши чиқишга келсак, бу иш умматнинг ҳақиқий манфаатларини табанний қилиш билан бўлади. Бу манфаатлар одамлардан бир гуруҳи, масалан савдогарларга ёки масалан Сурия ёхуд Қоҳира каби муайян бир ўлкага алоқадор бўлган жузъий манфаатлар бўладими ёки бутун умматга ё бир муайян минтақага ё бутун бир мажолга алоқадор бўлган умумий манфаатлар бўладими, фарқи йўқ.

Буни амалга оширишда қуйидагича йўл тутилади: а) Фақат воқеликни сифатлаб берилади ва ҳокимга қарши нафратни кўзғатилади. Бу мавзудаги шаръий ҳукмга

тўхталинмайди. Масалан, улкан маблағларни самарасиз ва ҳақиқий бир фойдани юзага чиқармайдиган лоиҳаларга сарфланишида одамлар устига тушаётган зулмни баён қилиш каби. б) Бирор муаммони нотўғри муолажа қилинаётгани ва бу муаммонинг муолажасидаги Аллоҳнинг ҳукми баён қилинади. Масалан, давлат миришабни ҳайдовчиларнинг қоида бузишларини тергаш ва ҳайдовчини то маҳкамага бормагунча ушлаб туриш учун одамлар устидан ҳукмрон қилиб қўйган. Исломда эса муҳтасиб (жамоат ҳаққига зарар келтираётган қонунбузарликларни ажрим қилувчи қози) қонунни бузган одам билан ҳодисани ўша вақтдаёқ муҳокама қилади, ҳукм чиқаради ва ҳукмни ўша вақтнинг ўзида кечиктирмасдан ижро қилади. Бу эса манфаатлар эътиборсиз ташлаб қўйилмаслигини кўрсатади.

Шу кундаги сиёсий манфаатларга қарши чиқиш эса, вазирлар маҳкамасининг қандай ташкил қилинганига, ҳукуматни қандай бошқараётганига, парламент мажлиси ғайдада эканига ва уларни сиёсий доира қилиб қўйган демократиянинг ўзи арзимас нарсга эканига ҳужум қилиш билан бўлади. Бошқа давлат элчихоналари ҳукумат ишларига аралашаётгани, қабила бошлиқлари ва сармоядорларнинг ҳукмрон синфларга ўз нуфузини ўтказиётгани ва шу каби нарсаларни фожия қилиш орқали амалга оширилади. Бу ишларни вазирлар маҳкамаси ташкил қилинаётган ёки унга ишонч билдириладиётган пайтда ёки парламентнинг навбатдаги мажлиси очилаётганда ёки бевосита шуларга алоқали ҳодиса содир бўлган пайтда амалга оширилади. Гоҳи шу куннинг манфаатларига қарши чиқиш билан бирга олиб борилади.

Булар ҳизбнинг ҳужум қилиш ва ҷамиятга киришдаги иш режасидир. Уни диққат билан ва онгли равишда татбиқ этиш ҳизбга ҷамият эшиги очилиши ёки ҳизбнинг ўзи уни очишига имконият яратиб беради. Лекин ҳизб аъзоларида ҳам, бошқа одамларда ҳам шу нарса аниқ бўлиши лозимки, ҳизб салтанатни фақат ҳокимлар қўлидангина эмас, балки бутун ҳукмрон синф қўлидан амалда тортиб олишни мақсад қилади. Ҳизбнинг мақсади исломий мамлакатларда салтанатни унинг уммат билан алоқаларига қарши чиқиш орқали тортиб олиш ва бу салтанатни исломий давлатга айлантириш учун қўлга олишдир. Ҳизб ҷамиятда ҳозирги салтанатни парчалаш ва йўқотишда ёрдам оладиган қандайдир бошқа салтанат барпо қилишни хоҳламайди, балки мавжуд салтанатнинг ўзини олишни хоҳлайди. Ҳизб мана шу мавжуд салтанатни, ҳукмронлик қилаётган бошқарувни, одамлар бўйсуниб турган ҳокимиятни уммат воситасида олишни кўзлайди. Кейин у мавжуд салтанатнинг шакли ва низомини ўзгартиради ва Исломни татбиқ қилиш, Ислом рисолатини бутун оламга олиб чиқиш учун ҳаракат қилади. Бунда қуйидаги икки ишга жиддий эътибор берилади:

1- Вазирликларнинг бири иккинчисидан афзал қўйилмайди яъни бир вазирликка ҳамла қилиниб, бошқасига сукут қилинмайди. Балки бошқарув ва салтанатдаги барча ҳукмрон синфлар нишонга олинади.

2- Одамларга «Сизлар учун бу манфаатлар Ислом Давлати барпо бўлганда рўёбга чиқади» -демаслик керак. Чунки бу гап одамларни ўз манфаатларининг рўёбга чиқишини идрок этишдан узоқлаштириб юборади, ҳизбни ҳукм юритишдан ҳамда унга таъсир ўтказишдан узоқлаштиришга ёрдам беради. Шунинг учун одамлар

устидан ҳукм юритилаётган кайфиятга қарши чиқиш Ислом ҳукмларига мувофиқ равишда ва фақат ҳужум қилинаётган масаладаги шаръий ҳукмни баён қилиб бериш орқали бўлиши лозим.

Сиёсий курашдаги ҳаракат шундай бир шаклда олиб борилиши керакки, бунда мавжуд салтанатнинг ўзи қовурғаларини синдириб ташлайдиган, ҳайбатини йўқотадиган, одамларнинг унга тамаъсини пайдо қиладиган нарсага дучор бўлсин ҳамда унинг ҳалқумидан олиб, ҳаётига барҳам берувчи қўл ва бармоқларни кўпайтирадиган аҳволга тушиб қолсин, Ислом бошқарувига, Ислом Давлатига ва Ислом байроғига одамларнинг иштиёқини кўзғатиб юборсин.

Лекин олиб борилаётган ишдан кўзланган ғоя ҳокимиятни қўлга олиш эмас, балки исломий ҳаётни қайта тиклаш ва Ислом даъватини бутун оламга ёйиш экани ҳамда бунинг тариқати ҳокимият экани бирор лаҳза ҳам ёддан кўтарилмаслиги керак. Демак мавжуд салтанатни қўлга олиш исломий ҳаётни қайта тиклашнинг, яъни одамлар ўртасидаги мавжуд алоқаларни исломий алоқаларга айлантиришнинг тариқатидир. Ҳокимиятга фақат шу ишларнинг тариқати деб қараш керак. Демак, масала ҳокимият тепасидагиларни парчалаш учун ҳаракат қилишнинг ўзи эмас, балки масала Ислом фикрларини жамиятда ҳукмрон фикрларга айлантиришдир, токи ҳокимият тепасидагиларни парчалаш ва уларнинг қўлидан салтанатни тортиб олиш шу исломий фикрларнинг ҳукмронлиги йўли билан бўлсин.

Бу бир жихатдан. Бошқа жихатдан эса, аниқки, давлат ўзи асосланадиган янги фикрларнинг пайдо бўлиши билан пайдо бўлади, ундаги салтанат ҳам шу фикрлар ўзгариши

билан ўзгаради. Чунки фикрлар агар тушунчаларга айланса, инсоннинг яшаш тарзига таъсир кўрсатади ва инсоннинг яшаш тарзини шу тушунчаларга мувофиқ юрадиган қилиб кўяди. Натижада инсоннинг ҳаётга қараши ва бунинг натижаси ўлароқ манфаатларга қараши ҳам ўзгаради. Салтанат эса ушбу манфаатларни бошқариш ва уларни юргизишга бошчилик қилиш демакдир. Манфаатларни бошқариш (яъни, салтанат) жамиятдаги энг кучли гуруҳнинг қўлида бўлади. Агар бир минтақада яшаётган одамларнинг манфаатларга қараши бир хил бўладиган бўлса, улар ўз ишларини бошқарадиган шахсни сайлайдилар, яъни уларнинг манфаатларини юритадиган салтанатни тиклайдилар ёки манфаатларини юритиш учун салтанатдаги ўзлари сайлаган шахснинг бошқарувига рози бўлишади. Шундан маълум бўладики, ҳокимият уммат томонидан келади, яъни уммат ҳокимиятни амалда ўзи танлайди ёки мавжуд ҳокимиятга сукут қилади. Сукут ҳам ихтиёр турларидан биридир.

Аммо одамларнинг манфаатларга қарашлари ҳар хил бўлса, унда улар бир неча гуруҳларга бўлиниб кетишади ва салтанатни мана шу гуруҳларнинг энг кучлиги қўлга олади ҳамда ўз манфаатлари ва бошқа гуруҳларнинг манфаатларини ўзининг манфаатларига мувофиқ бошқаради ва ҳамма ушбу гуруҳга бўйсунисига, манфаатлари ушбу гуруҳ манфаатларига мувофиқ бошқарилишига мажбур бўлади ва ҳатто бу бошқаришни яхши деб қабул қилади. Барча гуруҳларнинг манфаатларга қараши ўша гуруҳнинг қарашига мувофиқ бўлиб қолади ва гуруҳларнинг барчаси битта гуруҳга бирлашиб кетади. Ёки уларга ушбу ҳукмрон гуруҳ устидан ғолиб бўлиб, ундан салтанатни тортиб олиб, барчанинг манфаатларини

салтанатни қўлга олган гуруҳ манфаатларига мувофик бошқаришга фурсат етгунча вазият шундай бўлади. Бу ҳол инсон манфаатларини бошқаришга асосланган ҳар қандай салтанатда табиий ва муқаррардир. Салтанат қабилачилик салтанати ёки демократик салтанат ёки исломий салтанат бўладими бунинг фарқи йўқ. Ҳатто диктатура салтанати ҳам битта шахс салтанати эмас, гуруҳлар салтанатидир. Чунки диктаторнинг инсон манфаатларини бошқариши бирор кучли гуруҳ уни қўллаб-қувватлаши ёки унинг бошқаришини сукут билан қабул қилганлари сабабли амалга ошади. Бу икки ҳолатда ҳам бошқараётган шахс ўзини қўллаб-қувватлаётган ёки сукут қилиб турган гуруҳ салтанати орқали иш юргизади, асло битта ўзининг салтанати билан эмас. Шунга кўра ҳаёт ҳақида муайян фикрларнинг бўлиши лозим ҳамда то салтанат қўлга олингунча бу фикрларни қаноат ҳосил қилиб кўтариб чиқадиған, розилик ва қизиқиш билан қабул қиладиган кучли гуруҳнинг бўлиши шарт. Гуруҳ деганда ҳизб эмас, балки жамиятдаги ҳар қандай жамоа назарда тутилмоқда. Чунки ҳизб гуруҳ эмас, балки маънавий шахсиятдир.

Тушунчалар, ўлчовлар ва қаноатлар мажмуасида намоён бўлувчи ҳаёт ҳақидаги муайян фикрлар - шулар асосдир. Одамларнинг кўпчилиги ёки улар ичидаги кучли бир гуруҳ ушбу тушунча, ўлчов ва қаноатларни - гарчи умумий шаклда бўлса ҳам - қабул қилиши давлатни вужудга келтириб, ундаги салтанатни ўзгартиради. Одамларнинг ёки ушбу гуруҳнинг бу фикрларни қабул қилиши - нозик тасвирлаб бериш, кучли таъсир кўрсатиш натижасида ёки бир нечта ҳодисаларга мос келганини ҳақиқатда гувоҳлари бўлишган воқелик натижасида юзага келишидан қатъи назар.

Шунга кўра ишни аввало ҳаёт ҳақидаги тушунчалар, ўлчовлар ва қаноатлар мажмуасидан иборат фикрларни пайдо қилишдан бошлаш, сўнгра одамларнинг кўпчилиги ёки уларнинг ичидаги кучли бир гуруҳ бу фикрларни қабул қилишларига эришиш керак бўлади. Шунда табиий ва муқаррар равишда давлат вужудга келади.

Ҳар қандай мамлакатда ҳокимиятни қўлга олиш шу ердаги уммат ёки уммат ичидаги кучли гуруҳқабул қилган тушунча, ўлчов ва қаноатлар мажмуасини ҳокимиятга етишишнинг тариқати қилиб олиш орқали ҳамда одамлар манфаатларини шу тушунча, ўлчов ва қаноатларга мувофиқ адо қилиб бериш орқали амалга ошади. Аммо одамлар қаноатланган ёки қабул қилган тушунчаларга зид бўлган тушунча, ўлчов ва қаноатларни татбиқ қилиш учун ҳокимиятни қўлга олиш ирода қилинса, бу иш фақат умматнинг моддий ва фикрий қувватидан кўра қудратлироқ моддий ва фикрий куч ёрдамида қилинадиган ташқи ҳужум орқали амалга ошиши мумкин.

Шу сабабли умматда исломий тушунча, ўлчов ва қаноатларни пайдо қилиш учун ва буларни умматга - у қаноатланиб қабул қилиши мақсадида - кўтариб чиқиш учун ҳамда кейин бирор минтақада ўзининг фикрий ва моддий қуввати билан бутун мусулмон оламига кўчиб, уни ягона Ислом Давлатида бирлаштирадиган исломий давлатни вужудга келтириш учун ишни умматдан бошлаш зарурдир. Бу фикрларни, бошқача қилиб айтганда бу тушунча, ўлчов ва қаноатларнинг мажмуасини жамиятда пайдо қилувчи омил, кучли гуруҳни ёки кўпчилик одамларни ушбу фикрларни қабул қилиб, жамиятда улар асосида яшаш зарур деб биладиган қилиб қўювчи омил фақат ҳизбдир. Давлат ҳам, уммат ҳам эмас ва ҳатто уммат

орасидаги муфаккир шахслар ҳам эмас, агар улар шахс сифатида қолишаверса. Чунки давлат фикрий вужуд эмас, балки уммат қабул қилган тушунча, ўлчов ва қаноатлар мажмуасини ижро қилувчи вужуддир. Давлат ўз вужудини умматдан олади ва унинг ишларини бошқаради. Шу туфайли умматнинг ҳаётий ёки идрокий воқелигидан четга чиқиб кетиши мумкин эмас. Балки у ишларни бевосита бошқариб, умматнинг ҳаётий ва идрокий кучини - кучайтириб юбориш, тартибга солиш ва ишлатиш орқали - амалий суратда ифодалаб бериши мумкин холос. Аммо давлатдан ислоҳ ёки ўзгаришларни талаб қилиб бўлмайди. Чунки бу нарсалар унинг вужудида йўқ. Зеро, давлат фикрий вужуд эмас, балки фақат ижройи вужуддир.

Уммат эса ижтимоий вужуд бўлиб, хилма-хил ва мураккабдир. У бир эркак ва бир аёлдан келиб чиққан. Умматда фикрий, узвий ва жисмоний қувватлар бир-биридан фарқ қилади. Ундаги ижро услублари ҳам у қабул қилган ўлчов, тушунча ва қаноатларга қараб турлича бўлади. Бундан ташқари ушбу ўлчов, тушунча ва қаноатлар келиб чиққан аслий фикрлар умматда ҳукмронлик қилади. Шу сабабли уммат шу аслий фикрларга асосланмаган ўлчов, тушунча ва қаноатларга келиши мушқилдир. Бинобарин, у фикрлашида мана шу асосга чеклангандир. Шунинг учун у фикрий вужуд бўлиши мумкин эмас. Ҳеч бир халқ ва уммат - жамоат деган сифати билан - ўзининг умумий ҳаётга қарашини, анъанавий муштарак тушунча, ўлчов ва қаноатларини ўзгартиришга - бу тушунча, ўлчов ва қаноатлар қанчалик паст ва тубан бўлмасин - қодир бўлмайди.

Давлат ўзининг вужудий сифати билан, халқ ёки уммат жамоий сифати билан тушунча, ўлчов ва қаноатларнинг

манбаи эмас, балки давлат ва халқ (ёки уммат) бу нар салар ижро қилинадиган ўриндир. Уммат тушунча, ўлчов ва қаноатларни ўзига ижро қилади, давлат эса уларни умматга ижро қилади. Демак, давлат ва уммат ушбу ўлчов, тушунча ва қаноатлардан таъсирланувчидир, буларни ишлаб чиқарувчи эмас. Улар ҳаётда ўлчов, тушунча ва қаноатлар тақозосига биноан ҳаракат қилишади ва ишларни бажаришади. Яъни тушунча, ўлчов ва қаноатлар пойдевор вазифасини бажаради. Давлатнинг ҳуқуқий воқелиги ва умматнинг жамиятдаги воқелиги ундан келиб чиқади.

Демак, ушбу тушунча, ўлчов ва қаноатларнинг манбаи ҳамда уммат ва давлатга таъсир ўтказувчи нарса давлат ва умматдан бошқа бўлиши ва у таъсирланувчи эмас, таъсир ўтказувчи бўлиши керак. Шунингдек у нарса тушунча, ўлчов ва қаноатларни пайдо қилиш, мустаҳкам ўрнатиш, муҳофаза қилиш, тўғрилаш ва алмаштиришга қодир бўлиши зарур.

Баъзан зехнга уммат орасидаги муфаккир шахслар умматни уйғотишади ва улар давлат ва жамиятни ҳам вужудга келтиришади, деган фикр келади. Бу ўринда пайғамбарлар ва ислохчилар мисол қилиб келтирилади, зеро, улар ўз умматларини уйғотганлар. Мана шу ерда хато содир бўлади, кадамлар тойилади. Чунки шахслар - шахс деган сифатлари билан - вужуд ҳисобланмайдилар. Уммат ва давлат эса вужуддир. Бу иккисига булардан кўра кучлироқ бўлган ва ўзида вужудлик сифатини мужассам этган ҳамда бир вужудни ташкил қилиш имкониятини берувчи робита билан боғланган омиллардан таркиб топган вужудгина таъсир кўрсата олади. Шахснинг қудрати қанчалар улуг бўлса-да, қудрати бир неча бор

заиф вужудга таъсир қила олмайди. Бинобарин бир вужудга фақат бошқа вужудгина таъсир кўрсата олади.

Бу бир томондан. Бошқа томондан эса, фикрат бир шахснинг зехнида пайдо бўлган пайтда шахсий фикрлик белгиси билан ажралиб туради. Бу фикратнинг пайдо бўлиш сабаби қандай бўлишининг фарқи йўқ, яъни у шахснинг ўзидан чиққан ёки бошқадан эшитган бўладими - бу эшитиш китобдан ўқиб билиб олиш ёки бошқа бировнинг айтганини ўқиб олиш шаклида бўлишидан қатъи назар - фарқи йўқ. Бу фикрат - агар у фақат фикрлаш тарафида турса ҳамда уни ўша шахс ўзининг мулки деб ҳисобласа ва фақат ўзининг фикри деган белгида ажралиб туришига қаттиқ интилса - шахсий фикр сифатида қолаверади. Натижада у фақат гапириб юриладиган ёки китоблар ичига жойлаб қўйиладиган назарий фикрларга айланиб қолади. Муфаккирлар ва уларнинг фикрлари баён қилинган китоблар нечоғлик кўп бўлмасин, бундай фикрат давлатда ҳам, умматда ҳам ҳеч қандай таъсир пайдо қилолмайди. Бу фикрат муфаккирда қаноатга айланган пайтда, у шахсий фикрдан тушунча ва ўлчовга кўчади ва фақат фикрлаш тарафидан фикрлаш ва татбиқ қилиш тарафига ўтади. Пировардида бу фикр фикрлаш доирасидан одамларда мавжуд бўлиш, сўнг жамиятда мавжуд бўлиш ўрнига чиқади.

Фикратни бундай кўчадиган ва ўтадиган қилувчи омил унга бўлган қатъий иймон, яъни муфаккирдаги воқеликка мувофиқ бўлган қатъий тасдиқлашдир. Бунга олиб борадиган йўлга келсак, у такрорлаш, қаноатлантириш ва татбиқ қилиш йўлидир. Бу эса фақат жамоатда ва жамоат билан бирга амалга ошади. Мазкур такрорлаш, қаноатлантириш ва татбиқ қилиш ушбу жамоатда ва у

билан бирга давомли суратда олиб борилади ва натижада фикрат - жамоат сифатида - ушбу жамоатнинг ва унинг ҳар бир аъзосининг мулкига айланади. Фикрат уларнинг ҳаётга қарашларига таъсир кўрсатиб, унга асос бўлиб қолади, ишларига таъсир кўрсатиб уларни тўғрилайди ва у ҳукмрон фикратга айланади. Агар бу фикрат инсонга қўйилса, унинг хусусиятларидан инсон таъсирланадиган асос бўлиб қолади. Бу билан фикрат учун ўзига хос бир вужуд пайдо бўлади. Бу вужуд гарчи уммат вужудининг бир қисми эмас, умматнинг бир қисми бўлса ҳам, уммат вужудидан бутунлай бошқа вужуддир. Бу ўзига хос вужуд давлат вужуди остида эмас, давлат салтанати остида ҳаракат қилади. Ушбу фикрий вужуд уммат ичида шаклланган ҳизбдир. Демак халқ ёки давлатга таъсир кўрсатувчи нарсa муфаккир шахслар эмас, ҳизбдир.

Ҳизб - вужуд сифатида - бир вақтнинг ўзида давлатнинг ҳам, умматнинг ҳам вужуди билан улар устидан ғалаба қозониш учун курашади. Чунки унда таъсирланиш эмас, таъсир ўтказиш хусусияти бор. Давлат ва умматнинг вужуди бунинг акси бўлиб, таъсир ўтказиш эмас, таъсирланиш хусусиятига эгадир. Ҳизб ўзининг фикрий вужудини қанчалар мустаҳкам ушлашига қараб у олиб бораётган кураш муддати ё чўзилади ёки қисқа бўлади. Зеро, у - вужуд сифатида - ўз фикрий вужудини маҳкам тутиши кураш муддатини қисқартиради, енгил қараши эса бу муддатни чўзиб юборади. Агар ҳизб ўз тушунча, ўлчов ва қаноатларидан чекинмаса, шубҳасиз бу икки вужуд - давлат ва умматнинг вужуди устидан ғалаба қозонади. Чунки у тезда одамлар ичидаги кучли гуруҳ устидан ғолиб бўлиб, у гуруҳ билан бирга битта вужудга айланади. Умматнинг вужуди зимнидаги бу вужуд ичида

ҳизбнинг ғолиб вужуди етакчилик марказини эгаллайди. Мана шу янги вужуд ёрдамида давлатнинг вужудини кулатади ҳамда фикрий ва ижроий вужудлар ёрдамида қолган барча гуруҳлар устидан ғолиб чиқади ва уларни ягона вужуд, яъни уммат вужуди таркибида бирлаштиради.

Ҳизб олиб борадиган кураш фикрий кураш бўлиши билан бирга, тушунча, ўлчов ва қаноатлар курашидир, фақат фикрлар кураши эмас. Шунинг учун у умумий алоқалар ва умумий манфаатларга ҳам қарши курашади. Чунки ҳизб вужудни ташкил қилувчи асосларни, яъни тушунча, ўлчов ва қаноатларни парчалаб ташлаш орқали умматнинг вужудидаги бузуқ сифатни парчалаб ташлашни хоҳлайди, асло умматни ҳам, унинг бирор аъзосини ҳам эмас. Зеро, ҳизб умматни қўлга олиш, унинг шаънини кўтариш, тубан вужудини гўзал бир вужудга - юксаклик ва улуглик билан ажралиб турувчи вужудга айлантиришга ҳаракат қилади. Шунингдек ҳизб бу фикрий кураши билан давлатни ташкил қилган асослар - тушунча, ўлчов ва қаноатларни парчалаб ташлаш орқали давлатнинг вужудий сифатини парчалаб ташлашни хоҳлайди, асло салтанатни эмас. Зеро, у янги тушунча, ўлчов ва қаноатлар асосида салтанатга янги вужуд бериш орқали унинг ҳозирдаги мавжуд вужудини қўлга олиш ва ўзгартириш учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳизбнинг фикрий вужуд сифатидаги кураши икки вужуд билан - ижроий ва жамият вужудлари билан бўлади. Бинобарин, кураш шу икки вужудга қаратилгандир, улардан бошқасига эмас. Бу эса вужуднинг вужудга қарши курашидир. Давлатнинг вужуди ҳокимиятга эга бўлгани ва умматнинг вужудини бошқаришни қўлга олгани сабабли кураш -аслида бу икки

вужудга қаратилган бўлса ҳам фақат давлат вужудига қарши қаратилган бўлиши очик кўриниб турибди.

Шунга кўра ҳизб жамиятга ёлғиз вужудий сифати очик намоён бўлиб турадиган шаклдаги фикрий вужуд сифатида кириши зарур. Зеро, фақат вужудий сифатнинг ёлғиз ўзи фаолият кўрсатиши лозим. Унда бошқа бирорта сифатни шерик қилиш жоиз эмас. Чунки у икки вужудга қарши курашаётган вужуддир. Вужудий сифатга асосланмаган бирор ҳизбий амал содир бўладиган ҳар қандай ҳолат ёки вужудий сифатга бошқа бирор сифатни шерик қилиш фақат муваффақиятсизликнинг ўзига чекланиб қолмай, балки курашда ҳизбни кучсиз қилиб қўяди ва унинг вужудий сифатини заифлаштириб юборади.

Ҳизбнинг вужуди унинг жиҳозини англатмайди, балки у бундан кўра қамрови кенгроқдир. Тўғри, ҳизбий амаллар ҳизб жиҳозлари тарафидан амалга оширилади. Бу жиҳозлар асосланган тушунча, ўлчов ва қаноатлар ҳизб вужудининг бир жузъи, лекин ҳизбнинг вужуди эмас. Ҳизбнинг вужуди одамларнинг бир жамоасида гавдаланиб турган ушбу тушунча, ўлчов ва қаноатларнинг мажмуасидир. (Бу ерда одамларнинг шахсий сифати эмас, инсонлик сифати эътиборга олинади). Агар одамларнинг ушбу жамоаси ёки шу жамоанинг аъзоси бўлган бирор шахс ёхуд жиҳозлардан қайсидир жиҳоз тарафидан тушунча, ўлчов ва қаноатлар мажмуасига мувофиқ бўлган ишлар содир бўлса, бу нарса шахс ёки жиҳоз тарафидан эмас, балки бир вужуд сифатида ҳизб томонидан содир бўлган деб ҳисобланади. Вужудий сифат бир неча омиллардан ташкил топиб, бу омилларни бир робита боғлаб туради ва шу робита вужудни шакллантиради.

Ҳизбнинг вужудий сифати таркиб топадиган омиллар тушунча, ўлчов ва қаноатлар мажмуаси ҳамда одамлар жамоасидир. Ушбу омилларни боғлаб турган робита ҳизб асосланган ақида ва ҳизбни ўзига хос тушунчалар билан ажратиб турган сакофатдир. Ушбу омиллар ва уларни боғлаб турган робитадан фикрий вужуд, яъни ҳизбнииг вужуди таркиб топади. Мана шу вужуд ёлғиз ўзи фаолият олиб бориши лозим. Бу вужуд давлат ва умматнинг шахсияти каби қуввати, ҳайбати ва ўзи ҳам ҳис қилинадиган шахсиятдир. Мана шу шахсият ёки вужуд жамиятдаги кураш майдонига киради ва у умматга етакчилик қилишни бошқариш ва кейин салтанат тизгинини қўлга олиш учун ҳаракат қилиши лозим. Ҳизб - бу шахсиятни уммат ўзининг шахсияти қилиб олиши учун ва умматнинг шахсиятини ҳизб ўзининг шахсияти қилиб олиши учун ҳаракат қилиши лозим.

Ҳизб ушбу нашрада баён қилинган режа асосида жамиятга кириши учун қуйидаги услубларга мувофиқ ҳаракат қилинади:

а) Ушбу режанинг услубига кўра, ҳизбийлар томонидан тартиблаштириш билан ва бевосита маҳаллий лажналар томонидан тартиблаштириш билан содир бўладиган бирор иш йўқ. Балки ҳар бир ҳизбий йигит даъватни кўтариб чиқиш ва мунозара қилиш, ҳалқалар бериш ва жамиятга боғланишда давом этади. Шунингдек маҳаллий жиҳозлар ҳам ўз вазифаларини, яъни: тартибли сакофат ва жамоий сакофатларни бериш, даъватни бошқариш, мунозараларга тааллуқли зарур тартиботларни - масалан мунозарларни қизғин тус олдириш учун муайян фикр бериш кабиларни - қўллаш, ҳизбий йигитларни кучайтириш учун муайян услубларни жорий қилиш

ишларини олиб боришда давом этадилар. Барча маҳаллий жиҳозлар ва ҳизбийларнинг ҳаммаси салоҳиятга эга бўлган шахс томонидан буюрилган буйруқларни онгли равишда итоат билан ҳамда битта шахс ёки бирор лажна эмас, балки фаолият олиб бораётган бир бутун вужуд кўриниб турадиган суратда бажарадилар. Ҳар бир ҳизбий шахс - гарчи маҳаллий лажнадан узилиб қолган тақдирда ҳам - шахсий бир туртки асосида ҳаракат қилиши вожиб. Худди шунингдек маҳаллий лажналар ҳам - гарчи вилоят лажнасидан узилиб қолса-да - ўзидаги шахсий бир туртки асосида ишни тўхтатмаслиги вожибдир.

б) Вилоят лажнаси ҳизбни бошқаришдир. Вилоят лажнаси ҳизбнинг сиёсий ҳизб экани кўриниб турадиган сиёсий кўринишдир. Бир ўлкада ҳизб сифатида ҳаракат қиладиган ҳам вилоят лажнасидир. Шунинг учун ҳизб уммат ичида ва сиёсий майдонда фикрий жиҳатдан кўринганидек сиёсий жиҳатдан ҳам кўринган бўлиши вожиб бўлади. Зеро, сиёсат ҳизбнинг ташқи кўриниши, фикр эса унинг табиатидир.

Бир ўлкадаги вилоят лажнасининг моҳияти мана шу. Қачонки у ўз моҳиятини яхши билиб олса, унинг ички туртки асосида ҳаракат қилиши, гарчи у қиёдат лажнасидан қандайдир сабабларга кўра узилиб қолса ҳам, енгил бўлади.

в) Вилоят лажнасининг ишлари икки қисмга бўлинади. Биринчиси ижроий ишлар. Бунинг салоҳияти фақат мўътамадга берилган. Иккинчиси эса ўз минтақасининг идорий ишлари. Бу эса - лажна сифатида - лажнанинг ўзига берилган салоҳиятдир. Қарорларни қабул қилиш аввалги нашрада зикр қилинган услубга мувофиқ бўлади, яъни агар раъйлар фикрга олиб борса, энг тўғрисига

эргашилади. Бинобарин унга баҳс учун кўпроқ вақт ажратилади. Агар раъйларда битта фикрга таслим бўлиб келиша олинмаса, унда ҳар қандай нарсадан қатъи назар, мўътамаднинг фикри қувватланади. Масалан, «Муъайян ишларни бажаришда вазирлар маҳкамасига таъсир ўтказиш ҳизбни ҳокимиятни қўлга олишдан узоқлаштирадими ёки бунинг акси бўладими?» ёки «Бирор масалада сиёсий кураш олиб бориш шу вилоят лажнасига ҳалокатли зарба берилишига олиб борадими, йўқми?» ва ҳоказо. Фикрга олиб борувчи бундай раъйлар муҳокамасида кўпчилик-озчиликка қаралмайди.

Амалга олиб борувчи раъйларда эса кўпчиликнинг фикрига қаралади. Масалан айтилсаки: «Фалон масала масжидларда кўтариладими ёки нашра босиб чиқариш орқалими?», «Нашра барча шаҳарларда тарқатиладими ёки журъат кучли ва таъсири кўпроқ бўлиши учун фаолиятни муайян жойларга чеклаш мақсадида фақат айрим муҳим шаҳарлардагина тарқатиладими?» ва ҳоказо. Бу каби амалга олиб борувчи барча раъйларда шундай йўл тутилади.

г) Вилоят лажналари жамиятга кириш учун белгиланган режани ижро қилишда қабул қилинган услуб бўйича ҳаракат қилади. Бунинг тафсилоти қуйидагича:

Биринчидан: бутун ҳизб учун умумий бўладими ёки вилоятнинг ўзига хос ёки бирор шаҳарга ёки бирор томонга хос бўладими қиёдат тарафидан келаётган буйруқларни ижро қилиш.

Иккинчидан: қиёдат тарафидан келган ҳар бир баёнот, нашра, эслатма ва бошқаларни - улар хоҳ бутун ҳизб учун умумий бўладими ёки вилоят лажнасининг минтақасига хос бўладими барибир - босиб чиқариш ва тарқатиш.

Баъзан бу нашраларнинг матни муайян ифодада тугал бўлади ва бундай ҳолатда уларнинг на маъносига ва на лафзига ҳеч қандай ўзгартириш киритмай тарқатилади. Айрим пайтда муайян нуқталар ёки баёнот лоихаси ё нашра лоихаси кўринишида бўлади. Бу ҳолда уларни вилоят лажналари ўзи муносиб деб кўрган тарзда баёнот ё нашра ёки эслатма кўринишига келтириб, тугал шаклга келтиради ва ҳизбнинг номи ва имзоси билан босиб чиқаради ва тарқатади. Гоҳида нашралар Қиёдат тарафидан табанний қилишга рухсат берилган муайян манфаатлар кўринишида бўлади. Бунда вилоят лажнаси нашраларни ва уммат билан боғланиш ёки мулоқот қилиш режаларини белгилайди ҳамда ўзи хоҳлаган тарзда ҳизб номи ва имзоси билан босиб чиқаради ва тарқатади. Ушбу нашраларнинг барчаси - фикратни ишлаб чиқиш, уммат манфаатларини ёки ифодаси тугал бўлган раъйларни белгилаш жиҳатидан қаралганда - ижроий амаллар сифатини олади. Аммо нашралар босиб чиқариш, тарқатиш, услублар ва шу каби ишлар жиҳатидан қаралганда эса идорий ишлар сифатини олади. Нашралар биринчи бўлиб қиёдат лажнаси тарафидан чиқарилган бўладими ёки вилоят лажнаси томонидан қўйилган таклифга қиёдатнинг раддияси бўладими - бунинг фарқи йўқ.

3. Ҳар бир вилоят лажнаси Қиёдат томонидан олдиндан бериладиган бирон рухсатсиз дарҳол ва ўзи тарафидан жамиятга киришни амалга оширади, яъни одамлар манфаатлари борасидаги салтанат ва уммат ўртасидаги алоқаларга дарҳол қарши чиқишни бошлаб юборади. Бу билан «Сиёсий ҳаракатлантириш» ва «Ҳаракат нуқтаси» нашраларини татбиқ қилади. Бунинг

учун вилоят лажнаси самарали услубларни қўллаши вожибдир. Бинобарин у қуйидаги асосга биноан ушбуларни бажаради:

а) Нашралар чиқариш. Вилоят лажнаси нашраларнинг фикрати, уларни ёзиш, босиб чиқариш ва тарқатишда керакли барча нарсаларни ўзи тайёрлайди. Бу ишни қиёдат лажнасига мурожаат қилмай ўзи муносиб кўрган услубда амалга оширади. Лекин бу нашраларда ҳизбнинг номи ёзилмайди, балки уларда ҳафталик илова ва Ислоҳ ҳукмлари варақаларида бўлганидек фақат вақти кўрсатилади. Бироқ уларнинг лафзи, жумлалари ва маъноларидан ҳизбга алоқадорлиги яққол сезилиб туриши вожиб. Ҳар бир нашрадан қиёдатга бир нусха юборилади.

б) Мақсадли зиёратлар ва жамият билан боғланишни йўлга қўйиш.

в) Услублари аниқ белгиланган ҳолда мулоқотлар ўтказиш.

г) Бир ёки бир нечта маҳаллий газеталарни ҳизб номидан эмас, балки матбуот томонидан бўлиши шарти билан чиқариш.

4. Вилоят лажнаси тарафидан қилинаётган барча ҳаракатлар ҳизб табанний қилган фикрлар, ҳукмлар ва сиёсий раъйларга мувофиқ бўлади. Буларни қисмларга бўлишга жиддий эътибор берилади ва бўлаётган пайтда чуқур баҳс қилинади. Қиёдат вилоят лажналари тарафидан қисмларга бўлишда йўл қўйилган хатоларни тузатади. Вилоят лажнаси томонидан чиқарилаётган ҳар бир нашра ва журналларнинг нусхалари қиёдатга албатта юборилиши вожиб, ҳар икки ҳафтада таҳририй мактуб юборилиши ва ҳар икки ойда бир марта қиёдатга ҳар бир вилоят лажнасидан элчи бориши лозим. Буларнинг барчаси

ҳаракатнинг бирлиги, тўғрилиги ва соғломлигининг кафолатидир.

5. Бу даврда вилоят лажнаси ўзининг барча ишларида ҳизбий мустаҳкамлашни амалга ошириш ва уммат билан бўладиган алоқаларни кучайтириш учун ҳаракат қилиши вожиб бўлади. Бундан икки нарсга келиб чиқади: а) Ҳизбга нисбатан. б) Ҳизбнинг уммат билан алоқаларига нисбатан.

а) Ҳизбнинг жисмига нисбатан бўладиган ишлар: Вилоят лажнаси салобати ва амал қилишга бўлган қудрати мукаммал бўлиши учун шахсларда уларни кўпайтиришдан кўра кўпроқ сақофатни чуқурлаштиришга эътибор берилади. Эндиликда ҳизбда шараф учун ва фақат ёрдам кўрсатиш учун аъзо бўлганларга ўрин йўқ. Балки ҳизбнинг ҳар бир аъзоси халқа бериши, халқа олиши, шахрий халқаларга қатнашиши ва ўзига топширилган ҳизбий вазифаларни бажариши вожиб. Ҳизб эҳмол берган (эътиборсиз ташлаб қўйган) кимсага ачинилмайди, чунки бу кимсаларнинг ўзлари ўзларини эътиборсиз қолдирдилар. Ахир улар уйғотилганларидан кейин қандай қилиб яна уйқуга кетдилар?! Ҳолбуки улар аланга ичида ва жанг майдони ўртасида бўлсалар!

б) Ҳизбнинг уммат билан бўлган алоқаларига нисбатан бўладиган ишлар: Ҳизб умматга кўпол муносабатда бўлмасликка жиддий эътибор қаратиб, умматнинг раъйига зид бўлган раъйни очиклик ва журъат билан беради. Лекин буни уммат «ҳизбни ўзига душманлик эълон қиляпти», деб ҳисоблайдиган қилиб қўядиган услублар билан бермайди. Балки ўзининг асл моҳиятини, яъни ҳизб умматни уйғотиш, қутқариш ва тубан ҳолатидан юксалтириш учун ҳаракат қилаётганини баён қилиб бериши даркор.

6. Вилоят лажнаси ҳизб табанний қилган қоидаларни тушуниш ва татбиқ қилишга жиддий эътибор беради. Улар қуйидагилардир: «Салоҳият фардий (битта шахсда), амал қилиш эса жамойи бўлади». Демак, салоҳият ва мажбурият битта шахсга берилиши шарт. Чунки агар жамоага бериладиган бўлса, масъулият шу жамоа орасида салоҳият бўлинганига қараб бўлиниб кетади-да, натижада эътиборсизлик дарчалари очилиб қолади. Ижро қилиш талаб қилинаётган куч ва қувватнинг оғирлиги шахсда эмас, балки жамоада бўлиши зарур. Демак, ишни олиб боровчи бутун вилоят лажнасидир, лекин вилоят лажнаси томонидан ишлаб чиқилиб, амалга ошириш учун белгиланган ишларнинг бевосита ижрочисимўътамаддир. Мўътамад вилоят лажнаси ёки маҳаллий жиҳоз аъзолари ва ёки ҳизбийларнинг хоҳлаганидан ёрдам олади. Шунга кўра мўътамад пойтахтда бўлиши керак ва фақат ўзи учун ёки даъват учун зарур бўлгандагина уни тарк этади. Вилоят лажнаси аъзолари шаҳарларни белгиланган ва муқаррар суратда зиёрат қилишлари вожиб.

Булар жамиятга кириш режаси ва бу режани ижро қилиш услубларидир.

Жамият сари ҳаракат қилинаётган пайтда шу нарсани очиқ равшан бўлиши керакки, биз кириш учун ҳаракат қилаётган жамият ғайри исломий жамиятдир, унда ҳукмрон бўлган фикрлар куфр фикрларидир. Бинобарин, жамиятга кириш Исломнинг куфрга қарши кириши шаклида бўлиши лозим. Жамиятда куфр қонунлари асосида ҳукм юритила бошлаганидан буён жамиятни бошқараётган ҳокимлар, сиёсатчилар ва уларнинг малайлари Исломнинг жамиятга киришига қарши курашмоқдалар ва бунинг учун бор имкониятни ишга

солмоқдалар. Шунинг учун ҳам исломий давлат салтанати қулатилгандан бери исломий ҳаракатлардан бирортаси жамиятга кира олмади. Балки жамият ташқарисида қолиб кетди ва жамият Исломдан холи бўлиб қолаверди.

Ҳизб ут-Таҳрир Ислом салтанати тугатилгандан бери жамиятга киришни ўз олдига жиддий мақсад қилиб қўйган ҳаракатларнинг биринчиси бўлди. Унинг жамиятга кириши куфр устидан Исломнинг ғалаба қозониши бўлади. Мустамлакачи кофирлар, ҳокимлар ва сиёсатчилар Исломни жамиятдан чиқариб юборишгандан кейин унинг яна қайтадан жамиятга кириб келишини кўришлари осон эмас. Шунинг учун ҳам улар ҳизбнинг жамиятга кириш йўлини тўсмоқ ниятида жамият эшиги ортига зулфин ва кулфлар қўйишади. Агар ҳизб бу зулфин ва кулфларни парчалаб, жамият эшигини очса ёки эшикнинг ўзи унга очилса, ҳукмрон доиралар жамият яна исломий жамият бўлиб қолмаслиги учун ҳамда ундан Исломни суриб чиқариш осон бўлиши учун жамиятда бетайин ҳолатни пайдо қилишга киришадилар. Демак, жамиятга киришга ҳаракат қилинаётган пайтда ва ундан кейин ҳам буларни онгли равишда тўлиқ билишга, жамият эшиги ортидаги зулфин ва кулфларни парчалаб ташлашга ва жамият бетайин ҳолатга тушиб қолишининг олдини олишга қаттиқ эътибор бериш зарур.

Жамият эшиги ортидаги зулфин ва кулфлар сиёсат ва қонун чиқаришдаги асосий ўлчовлардир. Бу ўлчовлар халқ устидан ҳукмрон бўлган ва раъйи ом ҳам халқ тарафида бўлган пайтда ўзига зид бўлган фикрларни рад этади. Модомики бу ўлчовлар фикрлар устидан ростлик ёки ёлғон, тўғрилиқ ёки бузуқлик билан ҳукмронлик қилар экан жамиятга кириш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат

муваффақиятсиз бўлиб қолаверади. Жамият мана шу зулфин ва кулфлар сабабли исломий фикрлар олдида берк тураверади. Жамиятга кириш фақат ундаги мана шу ўлчовлар, тушунчалар ва қаноатлар орқалигина бўлиши мумкин. Агар жамиятга исломий фикрларни киритиш учун дипломатик йўллар ишга солинадиган ва жамиятдаги мавжуд ўлчов, тушунча ва қаноатлар восита қилиб олинadиган бўлса, Ислomнинг жамиятга кириши тўсилибгина қолмай, Ислomнинг ўзи жамиятдан узоқлаштириб юборилади. Жамиятга эса ёлғиз шахснинг ўзи исломий бўлмаган ўлчовлар билан кирган бўлади ва у фақат мавжуд ғайри исломий жамиятни мустаҳкамлаб, Ислomни эса жамиятдан узоқлаштириб юборади. Шунинг учун ушбу ўлчовларни ақидавий услуб билан парчалаб ташлаш зарур. Мана шунда улар парчаланиб кетади ва жамият эшиги очилиб, Ислom фикрлари ҳамда куфр фикрлари ўртасида кураш бошланади. Демак, жамиятга кириш учун қўйиладиган биринчи қадам аввало ўлчовларни, хусусан асосий ўлчовларни парчалашдир. Жамият эшиги ортидаги зулфин ва кулфларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: «Араб миллатчилиги», «Ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик», «Ватанпарварлик», «Социализм», «Демократия», «Ўз-ўзини бошқариш», «Ислomнинг мослашувчанлиги», «Бошқа умматлардаги қонуншуносликдан фойдаланиш» «Сиёсат бошқа, дин бошқа» ва бошқалар. Бу ўлчовлар ҳар қандай фикрлар қиёсланадиган ва иккинчи даражали фикрлар куриладиган асос деб ҳисобланади. Жамиятга кириш осон бўлиши учун ушбу ўлчовларни парчалаб ташлаш ва уларга қақшатқич зарба бериш орқали уларнинг сохталигини фoш қилиш вожиб бўлади.

Жамият эшигини очиш жиҳатидан олиб қаралганда шундай. Жамиятга киришга келсак, унга ҳар қандай аралашмалардан холи, пок ва соф Исломдан бошқа нарсанинг киришига йўл бермаслик вожиб. Зеро, кофирлар, ҳокимлар ва сиёсатчилар Ислом номи билан - жамиятда Ислом тарафидан бетайинлик пайдо қилиш учун - исломий бўлмаган ҳар хил фикрларни киргизадилар. Мусулмонлар ушбу жиҳатларни тўлиқ англашлари ва Исломга зид ҳар қандай фикрга қарши куфр фикрига қарши курашгандай курашишлари вожиб. Зеро, у ҳам очик куфрдир.

Лекин бу ҳужум сиёсий фикрларга ва қонуншуносликка оид фикрларга қарши қаратилган бўлади, яъни фикрлар берилаётган ёки баҳс қилинаётган пайтда давлат ишларида намоён бўладиган жамият алоқаларига тааллуқли фикрларга қарши қаратилган бўлади. Масалан, кўп хотинлиликни ман қилиш, хайрия жамиятларини тузишга рухсат бериш, вазирликларда иштирок этишга рухсат бериш, Ислом оламидаги давлат ҳокимлари ўртасида ўзлари ўтирган жойни сақлаб қолиш учун бирлашиш, араб бирлиги ташкилоти, яшаш даражасини кўтариш, ажнабий сармояларни мамлакатга киритиш ва ҳоказо. Буларнинг барчаси ғайри исломий фикрлар бўлиб, улар исломий деган эътиборда ёки Исломга зид эмас, деб киргизилади. Бу фикрларга қарши ҳужум қилиш, курашиш ва жамиятда бетайинлик пайдо қилмаслиги учун унга кириб келишига имкон бермаслик вожибдир.

Ҳизб табанний қилган фикрларга зид бўлган исломий фикрларга келсак, ундаги тушуниш йўли баён қилинади. Лекин уларга ҳужум қилинмайди, балки улар ҳам исломий

раъй экани, лекин далили заифлиги кўрсатиб берилади. Масалан, мужтахидлардан айримлари халифа фақат курайшлардан ёки аҳли байтдан бўлиши жоиз, деган бўлса, баъзилари аёл киши қози бўлиши мумкин эмас, деган. Яна баъзилари эса олтин ва кумушни, уларнинг закоти берилган бўлса ишлатмай тўплаш жоиз деган, яна баъзилари ерни ижарага бериш жоиз дейишади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси исломий раъйлар бўлиб, уларнинг жамиятга кириши ман этилмайди, чунки булар жамиятда бетайинликни пайдо қилмайди. Зеро, улар ҳам Ислом бўлиб, ҳизб табанний қилган раъйлар каби далилга ёки шибҳи далилга суянади. Бундай исломий фикрларга нисбатан уларнинг хатосини кўрсатиб бериш билан кифояланилади.

Бироқ ҳизб ўзининг нашла, китоб ва мунозараларида ўзи табанний қилган раъйга зид бўлган бирорта раъйни кўтариб чиқмайди. Лекин у аввал табанний қилинмаган раъйларни фикхий ёки қонуний нарсани тушуниш учун намуна сифатида тарқатиши ҳам жоиздир. Бунда ушбу раъйлар кимдан чиққанлиги кўрсатилмай, унинг далили билан кифояланилади. Булар ҳизб тарқатиш билан шуғулланадиган раъйларга нисбатандир. Аммо агар ҳизбдан бошқалар тарафидан бирор исломий раъй тарқатилса-ю, бу раъй ҳизб раъйига зид бўлса, мунозара қилишга зарурат бўлса мунозара қилиш билан кифояланилади. Зарурат бўлмаса, ушбу раъйни эътиборсиз ташлаб қўяверади. Мана шулар ёрдамида ҳизб жамиятда пайдо бўлиши хавфи бўлган бетайинликни тўсади.

Ислом билан куфр ўртасидаги кураш куфр енгилиб, Ислом ғолиб бўлгунча давом этаверади.

